

15- وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي جَمَاعَةٍ تَرِيدُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي سُوقِهِ وَبَيْتِهِ بِضَعْفٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً، وَذَلِكَ أَنَّ أَحَدَهُمْ إِذَا تَوَضَّأَ فَأَخْسَنَ الْوُضُوءَ، ثُمَّ أَتَى الْمَسْجِدَ لَا يُرِيدُ إِلَّا الصَّلَاةَ، لَا يَنْهَرُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ، لَمْ يَنْجُطْ حُطْوَةً إِلَّا رُفِعَ لَهُ إِلَيْهَا دَرَجَةٌ، وَحُطَّ عَنْهُ إِلَيْهَا حَطِيقَةً حَتَّى يَدْخُلَ الْمَسْجِدَ، فَإِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ كَانَ فِي الصَّلَاةِ مَا كَانَتِ الصَّلَاةُ هِيَ تَحْسِنُهُ، وَالْمَلَائِكَةُ يُصَلِّونَ عَلَى أَحَدِكُمْ مَا دَامَ فِي مَحْلِسِهِ الَّذِي صَلَّى فِيهِ، يَقُولُونَ: اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ، اللَّهُمَّ تُبْ عَلَيْهِ، مَا لَمْ يُؤْذِ فِيهِ، مَا لَمْ يُحْدِثْ فِيهِ» مُتَّقْ عَلَيْهِ، وَهَذَا لَفْظُ مُسْلِمٍ [خ 477، م 649].

وَقَوْلُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بِنْهَزُهُ» هُوَ بِفَتْحِ الْبَاءِ وَالْهَاءِ وَبِالرَّاءِ: أَيْ يُخْرِجُهُ وَيُنْهِضُهُ.

15. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Кишининг жамоатда ўқиган намози уйида ва бозорда ўқиган намозидан йигирма неча даражага ортиқ бўлади. Зотан, киши яхшилаб таҳорат қилиб, сўнг намознигина ирова қилиб фақат намоз сабабли, масжидга келса, масжидга киргунча ташлаган ҳар бир қадами билан бир даражага кўтарилади, бир хатоси ўчирилади. Масжидга кирса, модомики уни намоз ушлаб турар экан, у намозда бўлади. Намоз ўқиган ўрнида экан, у ерда озор бермаса ва таҳорати синмаса, фаришталар: «Аллоҳим, унга раҳм қил! Аллоҳим, уни мағфират қил! Аллоҳим, унинг тавбасини қабул эт!» деб салавот айтиб туришади».

Муттафақун алаих. Бу лафз Муслимники.

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда жамоат намозининг фазилати очик-ойдин кўрсатилмоқда. Нима учун жамоат намози фазилат бўлиши ҳам баён қилинмоқда.

Жамоат билан намоз ўқиган одам ёлғиз ўзи намоз ўқиган одамга қараганда йигирма беш марта кўп савобга эга бўлар экан.

Бундок бўлишининг сабаби:

1. Жамоат намози ўқиган одам яхшилаб таҳорат қилиб, масжидга чиқади. Унинг нияти соф бўлади. Масжидга бора туриб жамоат намози ўқишидан бошқа мақсадни кўзламайди. Шунинг учун босган ҳар қадамида мартабаси бир даража кўтарилиб, бир гуноҳи ўчирилади.
2. Жамоат билан намозни ўқиб бўлиб, таҳоратини кетказмай намозгоҳида турса, фаришталар унга салавот айтадилар. Бу намозни уйида ёлғиз ўзи ўқиса, бундай бўлмас эди.
3. Жамоат намозини ўқиб бўлиб кейинги намозга интизор бўлса, худди намоз ўқиётган одамнинг савобини олади. Ўлғиз намоз ўқиган одам бунга эриша олмасди.

Демак, намозни жамоат билан ўқишининг ўзиёқ киши оладиган савобларнинг ўз-ўзидан кўпайиб кетишига сабаб бўлар экан.

Шунинг учун жамоат намозидан қолмаслик керак, у ҳаётимиздан муносиб ўрин олмоғи керак.

Жамоат намозининг фазли гоҳида йигирма беш, (бошқа ривоятда: йигирма етти даража) устун бўлиши айтилган. Бундай фарқ масжиднинг узоқлиги, намозхоннинг ихлоси ёки имомнинг тақвосига боғлиқ бўлиши мумкин. Нима бўлгандা ҳам жамоат билан намоз ўқишиниг фазли бекиёс катта.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



